ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР ВА МАЪНАВИЯТ

Тўлқин Қўйлиев
Тошкент давлат аграр университети доценти

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада, табиат ва жамият ўртасида кейинги даврларда вужудга келаётган зиддиятларнинг асосий сабаблари, уларни англаб етиш ва тартибга солишда маънавиятнинг ўрни нималардан иборат эканлигини аниқлашга ҳаракат қилинган.

Калит сўзлар: дунёнинг тузилиши, “табиат-жамият-инсон”, табиий ва ижтимоий омиллар, экологик уйғунлашув, экологик оптимизм, экологик пессимизм, скептизм, авантюризм, илмий-техник тараққиёт, экологик муаммоларнинг таснифи, макон ва замон.

ENVIRONMENTAL PROBLEMS AND SPIRITUALITY

Tulkin Kuyliyev
Associate Professor, Tashkent State Agrarian University

ABSTRACT

This article seeks to identify the root causes of the conflicts that have arisen between nature and society in recent times, and the role of spirituality in understanding and regulating them.

Keywords: structure of the world, "nature-society-man", natural and social factors, ecological harmony, ecological optimism, ecological pessimism, skepticism, adventurism, scientific and technological progress, classification of ecological problems, space and time.

КИРИШ

Инсоният ўзини яратувчи ва бунёдкор куч эканлигини англаган вақтдан бошлаб ўзига ўзи савол бериб келади: у қандай пайдо бўлган ва воқеа-ҳодисаларнинг кейинги ривожланиши уни қаерларга олиб боради? Бу ҳозиргача мавжуд бўлган барча дунёқарашлар: афсона, диний ва фалсафий таълимотларда жавоб беришга ҳаракат қилинган ва қилинаётган абадий саволдир. Бу саволга берилган жавоб нафақат одамлар дунёқарашини шакллантиради, балки инсон фаолиятининг моҳиятини тушунишга ҳам ёрдам беради. Инсонларнинг истак ва интилишлари уни қайларга элтиб ташлаши унчалик мубҳам эмас.Янада

кескинроқ қилиб айтиладиган бўлса, бу унинг тириклик дунёсида ўз фаолиятини қандай давом эттиришига ҳам тўғридан тўғри таъсир этадиган ҳаёт мамот масаласидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонининг бешинчи бўлим биринчи қисмининг “Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш соҳасидаги уствор йўналишлари қисмида” атроф-табиий муҳит, аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган экологик муаммоларни олдини олиш масаласига алоҳида эътибор қаратилиши ўта муҳимдир, дейилган [1].

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Буюк адиб Чингиз Айматов ўз хотираларининг бир жойида Яратган Эгам ва Инсон ўртасида бўлиб ўтган қуйидаги диалогни келтириб ўтади,“Ер юзидаги бутун тирикликни ихтиёрингга топшираман. Бепоён текисликлар, пурвиқор тоғлар, кўм-кўк денгизлар, зилол кўллар, қуюқ ўрмонлар – ҳамма-ҳаммаси сеники Жамики махлуқлар ҳам сениинг ҳукмингда бўлсин. Буларнинг ҳаммасига, биринчидан, Ўзим, иккинчидан, сен жавоб берасан. Ҳаёт Ер юзида гуллаб яшнайдими ёки ҳаммасининг кули кўкка совриладими – фақат сенга боғлиқ. Ҳаммаси учун Менинг олдимда жавоб берасан” [2] - дейди. Инсоннинг янгиланаётган дунёдаги ўрни бундан кейин қандай бўлади ва унинг моҳиятини нималар ташкил этади? Умуман олганда олдиндан белгилаб берилаётган ёки башорат қилинаётган воқеликда кутилмаган ҳодисалар пайдо бўлиб қолиш эҳтимоли қанчалар мавжуд, инсон унга қанчалар тайёр?

Таниқли файласуф-эколог, профессор С. Мамашакиров жамият тараққиётининг хозирги босқичида ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, экологик ва бошқа соҳалардаги инқирозлар глобаллашиб кетаётганидан хавфсираб илмий жамоатчиликнинг бу сохадаги масалаларга муносабатлари турлича бўлиб қолаётгани, бунинг натижасида уларни шартли равишда: оптимистлар, пессимистлар, скептиклар ва реалистларга ажратиш мумкинлиги ҳақида ёзади. Бундай ажралиш ўрнига “Хозирги давр реаллиги турли таълимотларнинг “ҳақиқат талашиб” бир-бирлари билан охири кўринмайдиган самарасиз мунозараларини давом эттириши эмас, балки ўтмишнинг аччиқ тажрибаларидан хулоса чиқариб мавжуд воқеликни билишда илмий назарий-методологик асосларга таянган холда умумий муросага келишлари, келажак авлодлар барқарор тараққиётининг яхлит стратегиясини ишлаб чиқишлари – инсоният цивилизациясини муқаррар ҳалокатдан қутқаради”. Акс ҳолда ҳар қандай кўринишдаги “экологик оптимизм авантюризмнинг намоён бўлишидир” [3], - деб ҳисоблайди.

Шубҳсиз айтиш ўринлики, жамият тараққиётининг ҳозирги босқичи оламшумул миқёсда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, экологик ва бошқа соҳалардаги инқирозлар глобаллашиб бораётган бир даврда одамларни жами тирикликка муҳаббат ва дарддошлик руҳида тарбиялаш борган сари долзарб бўлиб бораётганини англатувчи ижтимоий масаладир. Тараққиёт соҳасида маънавиятга зришмай турибинсоният ҳеч қачон фаровонликни қўлга кирита олмайди. Ҳадемай дунё 10 миллиард инсон яшайдиган мега жамиятга айланади. Бу эса сўзсиз ҳозирги ҳолатида ҳам мураккаб бўлиб турган масалаларни янада ўткирлаштриб, кўламини ҳам вертикал ҳам горизонтал миқёсда кенгайтириб ва чуқурлаштириб юбориши тайин.

Кейинги даврда тўғри таъкидланаётганидек, бугунги кунда,"Табиат мусаффолиги учун курашиш барча сиёсий курашлардан устун туради" [4]. Ер юзида содир бўлган ва бўлаётган барча салбий иллатлар замирида, яъни табиатда содир бўлган юқотишларнинг барчасида инсон маънавиятидаги катта кемтик - уларда барқарор ривожланиш муаммоларини тушунишнинг асосини ташкил этувчи экологик билим хақидаги маълумотларнинг етишмаслиги ёки унга беписанд қараш оқибатидир. Экологик билимлар нафақат турфа хил тирик организмлар, инсон ва жамиятнинг табиий муҳит билан ўзаро муносабатларининг характерини тушунтирибгина қолмасдан, балки инсоннинг ўзгартирувчи фаолияти мумкин бўлган чегараларини ҳам белгилаб беради. Экологик билимларга чуқурроқ эга бўлаётган инсон илгари ўзи учун иккинчи даражали бўлиб туюлган табиатдаги кўплаб алоқалар ва муносабатларнинг аҳамиятини қийинчилик билан бўлсада англай бошлади.

МУҲОКАМА

Ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги босичида экологик мутаносибликдаги ўзгаришларнинг иқтисодий кўрсаткичлари ўз ўрнини экологик, хусусан, маънавий мезонлари билан алмаштирмоқда. Яъни инсоннинг табиатга нисбатан антропоген ва техноген доираси, унинг ривожланиш даражаларида табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси ҳал қилувчи кўрсаткичга айланиб бормоқда. Шу сабабли бўлса керак, йирик файласуфлардан бири, профессор Н. Шермухамедованинг таъкидлашича, "Экология соҳасидаги тадқиқотларнинг умумий мақсади атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва инсоннинг табиат билан ўзаро муносабатларини уйғунлаштиришдир" [5].

Биринчи Президенти И.Каримов халқимизнинг энг қадимий қомусий асари "Авесто" да илгари сурилган улуғ ғоя "Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал" ҳақида гапира туриб "... борлиқнинг яхлитлиги ва бир бутунлиги, инсон ҳаётининг табиат билан уйғунлиги масаласи одамнинг руҳий оламига чамбарчас

боғлиқ ҳолда кўрсатилгани кўп нарсани англатади. Бу ҳолат инсоннинг маънавий дунёсини шакллантиришда атроф-муҳит қадим замонлардан буён қандай кучли таъсир ўтказиб келганига яна бир бор эътиборимизни жалб қилади”[6],-деб таъкидлаган бўлса, бугун Президентимиз Ш.Мирзиёев бу фикрни янада конкретлаштириб “Энг муҳим масала – аҳолининг экологик маданиятини ошириш ҳақида жиддий бош қотиришимиз зарур. Албатта, бундай муаммоларни фақат маъмурий йўл билан ҳал этиб бўлмайди, бунга ёш авлод қалбида она табиатга меҳр-муҳаббат, унга дахлдорлик ҳиссини тарбиялаш орқали эришиш мумкин” [7],- деб ҳисоблайдилар. Мана шундай ўзгаришларга одамларнинг қанчалик тайёрлигига қараб инсоний сифатлар, давр маданияти характери ҳақида фикр юритиш мумкин. Бундай ҳолатда, “ақлли инсон” қийинчиликлар билан бўлсада “доно инсон”га айланиб бормоқда, деган ҳулосага келиш мумкин.

Аммо, агар экологик муаммони жамият ва табиат ўртасидаги моддалар, энергия ва информация алмашинувидаги қарама-қаршиликнинг бир кўриниши сифатида карайдиган бўлсак, унда унинг асосий йўналишлари боғланганлигини пайқаш қийин эмас. Бу биринчидан, табиатдан жамият учун керакли бўлган моддалар, энергия ва информация олиш қийинчилигининг ўсиб бориши билан; иккинчидан, табиатнинг унга бегона бўлган нарсалар, қўшимча энергия, табиат ходисалари ва жараёнларида информацион сабабият тизимини бузувчи дезинформация билан ифлосланиши билан белгиланади.

Махсус предмет сифатида қараб чиқиладиган бўлса, экологик муаммоларнинг макон ва замон хусусиятлари ва унинг ечими шартларини ҳам ажратиб кўрсатиш зарур бўлди. Бунинг зарурлиги шундаки, жамият билан табиат ўртасидаги энергетик ва информацион алмашинув органик жихатдан макон ва вақт билан боғланганлиги оқибатида юзага чиқади.

Макон ва замон таснифларисиз ҳар қандай билишга оид ва ўзгартириш учун хизмат қиладиган фаолият ҳақида гапириш ёки ўйлаб кўриш мумкин эмас. Чунки одатда улар ушбу фаолиятнинг назарий ва амалий ўзлаштиришнинг тўғри йўлларини танлашда асосий омиллар ҳисобланади. Алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, жамият ва табиатнинг ўзаро муносабатлари жараёнидаги қарама қаршиликлар ҳозирги замоннинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жараёнларида ўз аксини топмоқда.

Инсониятнинг табиатни ўзгартирувчи моддий ишлаб чиқариш фаолияти йўналиши ва мазмунининг маълум бир ижтимоий муносабатлар билан чуқур ўзаро боғлиқлиги экологик муаммонинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий контекстларини ҳам юзага келтиради.

НАТИЖАЛАР

Ҳар қандай очиқ тизимнинг ташқи олам билан ўзаро экологик муносабатлари жараёнида у ёки бу қарама қаршиликларнинг вужудга келиши муқаррардир. Улар ҳаракат ва ўзаро муносабатларнинг барча турларига тегишлидир. Жамият ва табиатнинг ўзаро экологик муносабати жараёнида янгича ёндашув, янгича фикрлашни талаб қиладиган у ёки бу даражадаги қарама қаршиликлар ҳар доим вужудга келаверади. Бундай ҳолат экологик муаммоларнинг фундаментал ва кўпқирралилигини, унинг барча йўналишларининг ягона ва бир тухтамдаги ечими мавжуд эмаслигини кўрсатади. Айтиш мумкинки, экологик муаммолар бу жамиятнинг табиат билан бўлган ўзаро муносабатлари тизимида вужудга келган қарама қаршиликларнинг инсон ва унинг фаолияти билан боғлиқ бўлган шароитларига таъсиридир. Экологик муаммоларнинг асосий таркиби бизнингча қуйидагилардан иборат:

1) Жамиятнинг яшаши ва ривожланиши учун зарур бўлган моддалар, энергия ва информацияларнинг табиатдан олишнинг мураккаблашуви;
2) Табиатни ундаги мутаносибликни бузувчи, унга бегона бўлган ишлаб чиқариш чиқиндилари билан ифлосланиши;
3) Биологик хилма-хилликнинг борган сари қашшоқланиб бориши;
4) Одамлар турмуш тарзи ва соғлиғи билан боғлиқ муаммоларнинг оғирлашуви.

Агар қадим замонларда инсонлар ўзлари яшаб турган ер тупроғи ориқлаб, ўрмонлари кесилиб, қурғоқчилик бошланиб кетган тақдирда бошқа ҳосилдор ерларга кўчиб ўтиш имкони бўлган бўлса, ҳозир эса бундай “эгасиз, бўш” ва “жаннатмакон” ҳудудларнинг ўзини топиш мумкин бўлмай қолди.

Юқорида кўрсатилган омиллар бевосита ёки билвосита бир-бирига боғланган ва уйғунлашган ҳолда ўзаро чатишиб, кўпинча кутилмаган оқибатларга олиб келади. Чунки, “Инсонни бугун қаноатлантирган иқтисодий ва ижтимоий борлиқ, муносабатлар эртага унинг талабига жавоб бермайди. Натижада у ўзини ўраб турган табиий ва ижтимоий борлиқни, мавжуд ижтимоий муносабатларни, самарали фаолият кўрсатиши учун янада қулай бўлган шарт-шароитлар билан алмаштириш мақсадида ўзгартиришга, қайта ташкил қилишга киришади” [8]. Ҳозирги замонда экологик вазиятнинг кескинлашиши маълум бир маънода Ер шарининг чегараланганлиги билан боғлиқдир.

Макон таснифи бўйича экологик муаммоларнинг маҳаллий, минтақавий ва глобал [9] кўринишларини кўрсатиш мумкин. Уларнинг бирлиги ва бир бирига ўхшашлиги экологик муаммоларнинг асосий ўзига хос хусусияти хисобланади. Бу эса биосферанинг яхлитлиги, геосферада мураккаб ўзаро боғлиқликлар мавжудлиги билан белгиланади. Табиат тизимларига бўлган бевосита таъсир,

унинг ўзгариши ва ифлосланиши маҳаллий даражада (алоҳида ахоли пунктлари, саноат зоналари ва бошқалар) амалга оширилади. Унутмаслик лозимки, табиат тизимларига бўлган техноген таъсирлар қуйи даражада қолиб кетмайди, балки глобал кўламгача кенгаяди.

Аммо атмосферадаги озон қатламининг емирилиши, Ердаги радиацион фоннинг ошиши каби ҳодисалар мустақил, глобал характерни олди ва сайёрамизнинг ҳар бир нуқтасида ўз аксини топмоқда.

ХУЛОСА

Жамият билан табиат ўртасидаги ўзаро муносабатда маълум бир қарама қаршиликлар бўлиши муқаррар. Улар ўртасидаги алмашинувлар жараёнида материя (модда, энергия ва информация) ҳеч қаерга йўқолмайди, балки бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтади. Бундан аввало шундай хулоса келиб чиқадики, жамиятнинг тараққиёти муқаррар тарзда табиатнинг “хисобига” содир бўлади, чунки ўз эҳтиёжларини қондира туриб, инсонлар ишлаб чиқариш жараёнида табиат ресурсларини ундан ажратиб олишга ва ундан бегоналаштиришга мажбур. Бундай “ўзлаштириш” хисобига жамият ўз тараққиёти учун имконият олади.

Аммо жамият табиат ҳисобидан яшаётган бўлса, унинг тараққиёт йўлидаги ривожланиши ҳам чексиз ва туганмас бўлиши мумкин, агар табиат ҳам хилма хил ва туганмас бўлса. Агар жамият чегараланган макон миқёсида ривожланаётган бўлса (худди бизнинг сайёрамизга ўхшаб), унда жамият ўз тараққиётининг маълум бир босқичида материянинг яратилмаслиги ва йўқолмаслиги тамойили остида экологик муаммолар билан тўқнашиши муқаррардир.

Шубҳасиз инсониятнинг биологик тур сифатида яшаб қолиши кўп жиҳатдан инсон ўзининг меҳр-муҳаббати, меҳр-шафқати билан Инсоннинг бир тола сочига осилиб қолган Она заминга бўлган муносабатига боғлиқ. Зеро, муқаддас китобимиз “Қўръони Каримда” ҳам “Унинг ҳузурида ҳамма нарса ўлчовлидир” дейилгандир.

Бироқ жамият ва табиатнинг ўзаро муносабатидаги қарама қаршиликларнинг кучайиши ёки кучсизланиши етарли даражада инсоният фаолияти, унинг характери, самарадорлиги ва кўламига боғлиқ. Айнан ана шу ҳолат шарофати билан инсониятда табиат билан бўлган муносабат жараёнларини уйғунлаштиришга умид мавжуд.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. Т. ; “Адолат” 2018,27-бет.
2. Чингиз Айматов, Мухтор Шохонов. Чўққида қолган овчининг оҳи зори.” Zabajad Media”. Тошкент, 2019. 282 - бет.
3. С.Мамашакиров. Вахимами ёки ҳақиқат. Т.: “IQTISOD-MOLIYA” 2012, 61-бет.
4. Эммануэл Макрон. Революция.Тошкент,: “Ўзбекистон” НМИУ, 2019.70 – бет.
5. Шермухамедова. Фалсафа ва фан методологияси. Т., 2005, 266-бет.
6. И. Каримов . Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.; “МАЪНАВИЯТ”2008. 32-бет.
7. Ш. Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Тошкент: “Ўзбекистон ” НМИУ, 1-жилд. 2018. 570 – бет.
8. Х.Хайдаров. Ислохотлар қонунияти. Т.: “O′zbekiston”, 2010.7-8-бетлар
9. Хашимова И. Диалектика глобального, регионального и локального в экологии. Автореферат дисс. На соискание ученой степение док. Филос. Наук Т., 1992, С.36.

REFERNCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. Т. ; “Адолат” 2018,27-бет.
2. Чингиз Айматов, Мухтор Шохонов. Чўққида қолган овчининг оҳи зори.” Zabajad Media”. Тошкент, 2019. 282 - бет.
3. С.Мамашакиров. Вахимами ёки ҳақиқат. Т.: “IQTISOD-MOLIYA” 2012, 61-бет.
4. Эммануэл Макрон. Революция.Тошкент,: “Ўзбекистон” НМИУ, 2019.70 – бет.
5. Шермухамедова. Фалсафа ва фан методологияси. Т., 2005, 266-бет.
6. И. Каримов . Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.; “МАЪНАВИЯТ”2008. 32-бет.
7. Ш. Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Тошкент: “Ўзбекистон ” НМИУ, 1-жилд. 2018. 570 – бет.
8. Х.Хайдаров. Ислохотлар қонунияти. Т.: “O′zbekiston”, 2010.7-8-бетлар
9. Хашимова И. Диалектика глобального, регионального и локального в экологии. Автореферат дисс. На соискание ученой степение док. Филос. Наук Т., 1992, С.36.